ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

К.А. ЮНУСОВ

Статья посвящена исследованию проблем перспективы становления и развития институтов гражданского общества в процессе формирования правового демократического государства в Узбекистане.

The article has been devoted to the research of the problems of prospects of formation and development of institutes of a civil society in the course of formation of the legal democratic state and a civil society in Uzbekistan.

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишда, ижтимоий муносабатларда фуқаролик жамияти тамойилларининг тобора кўпроқ амал қилишида фуқаролик жамияти институтлари муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам давлатимиз улар фаолиятининг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, моддий-иқтисодий асосларини янада мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратмоқда.

Ушбу мақолада Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим жиҳати – фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янада такомиллаштириб, фаоллаштириб бориш йўллари, уларнинг шаклланиш ва ривожланиш истиқболлари хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Айтиш лозимки, фуқаролик жамияти институтлари тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларини тобора ривожлантириш, уларнинг мустақил иш юритиши ва чинакам мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши катта аҳамият касб этди.

Сўнгги йилларда “Жамоат фондлари тўғрисида”ги, “Ҳомийлик тўғрисида”ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишига кўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва бошқа қатор ҳужжатлар қабул қилинди ҳамда улар фуқаролик жамияти институтлари ижтимоий фаоллигини кучайтиришда муҳим омил вазифасини бажармоқда.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг 2008 йил 3 июлда қабул қилинган “Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қўшма қарори, Олий Мажлис ҳузурида Жамоат фонди ҳам да таркибига нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат ташкилотларининг ваколатли вакиллари билан бирга депутатлар, молиявий тузилмаларнинг масъул ходимлари кирган Парламент комиссиясининг ташкил қилиниши ҳам алоҳида эътиборга сазовордир.

Мазкур комиссиянинг фаолияти “учинчи сектор” деб ном олган фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашга давлат бюджетидан ажратилган молиявий маблағларни аниқ йўналтирилган, энг муҳими, демократик асосда тақсимлаш имконини бермоқда. Бу эса нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-техникавий ва иқтисодий негизини мустаҳкамлашга самарали таъсир кўрсатмоқда. Ҳозиргача ушбу Парламент комиссияси ва “Жамоат фонди” томонидан республикамизда фаолият кўрсатаётган турли фуқаролик жамияти институтлари томонидан тақдим қилинган ижтимоий лойиҳалар учун 14 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамият ҳаётида ижтимоий барқарорликни таъминлашдаги иштироки уларнинг келгусидаги истиқболини белгилайди. Чунки давлат ташкилотларининг стратегик вазифаларидан бири бўлмиш ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг роли катта бўлмоқда.

Юртбошимиз таъкидлаганидек: “Ҳозирги пайтда мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, юртимизда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтирмоқда” [3.10].

“Бугунги кунда мамлакатимизда янги ҳаёт, янги

жамият пойдеворини барпо этишда эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш масаласи биз учун ғоят долзарб аҳамиятга эга" [1.76], – деб ёзади Ислом Каримов, – ... жамиятимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган самарали усул-услубларни ишлаб чиқиш, давлат ва жамоат ташкилотлари учун тегишли тавсия ва қўлланмаларни тайёрлаш бугунги кунда муҳим вазифамизга айланиб бораётганини чуқур тушуниб олишимиз зарур" [1.127].

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини шакллантиришда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ва унинг вилоятларда фаолият кўрсатаётган ҳудудий бўлимлари алоҳида аҳамият касб этмоқда. Чунки вилоятларда фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари, турли соҳалар бўйича фаолият юритаётган марказлар ва жамғармалар фаолиятини ўрганиб бориш, уларнинг ўзаро алоқасини, ижтимоий шериклик асосида фаолият олиб боришини таъминлаш каби муҳим вазифаларни ҳозирда ана шу минтақавий ахборот-таҳлил марказлари бажармоқда. Ушбу институтнинг асосий мақсади – фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёнларини тизимли мониторинг қилиш, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялашда, фуқароларнинг сиёсий маданияти, ҳуқуқий онги, ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда фуқаролик институтларининг ролини кучайтиришдан иборат.

Бугунги кунда мазкур нодавлат ташкилоти ва унинг ҳудудий бўлимларида, хусусан, Андижон ҳудудий бўлими томонидан фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини тизимли тадқиқ қилиш, фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамиятни бошқаришдаги ролини кучайтиришга йўналтирилган тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳам ўзининг вилоятлардаги аъзолари ҳамкорлигида ташкил қилаётган турли тадбирларини шу жамоат ташкилоти орқали олиб бормоқда. Аммо жойлардаги нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамғарма ва марказларнинг ушбу ассоциация таркибида фаолият кўрсатишига кам эътибор берилмоқда. Фикримизга мисол сифатида қуйидаги маълумотни келтиришимиз мумкин. Андижон вилоятида фаолият кўрсатаётган нодавлат нотижорат ташкилотларидан фақат 11 таси миллий ассоциацияга аъзо бўлиб кирган [8].

Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва янада ривожлантиришнинг муҳим йўлларидан бири Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг вилоятлардаги бўлимларини ташкил қилишдан иборат. Чунки бугунги кунда вилоятларда ташкил қилинган ННТлар фаолиятини мувофиқлаштириш, мавжуд ижтимоий муаммоларни бартараф этиб боришда уларнинг ўзаро биргаликда учрашувлар, семинар-тренинглар ва бошқа шу кўринишдаги йиғилишлар ўтказиши (давлат идоралари иштирокисиз) қийин кечмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида улкан ишлар амалга ошириб келинмоқда. Кучли фуқаролик жамиятининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий асослари яратилмоқда. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш истиқболларини Президент Ислом Каримов "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да атрофлича ёритиб берди. Концепциянинг бешинчи боби бевосита фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланишига бағишланган бўлиб, унда фуқаролик жамиятини барпо этишда ушбу тузилмаларнинг нечоғлик аҳамият касб этиши, бу борада келгусида амалга ошириладиган ишлар, қабул қилинадиган қонунлар, амалдаги қонунларга киритилиши лозим бўлган ўзгартиришлар батафсил баён қилиб берилди.

XXI аср бошида қудратли давлатларнинг ривожланаётган давлатлар устидан ҳукмронлик қилиши, уларни ўз таъсири остига олиши янада кучайди. Бу давлатлар ўзларининг экспансия сиёсатини янгича усул ва воситалар орқали амалга оширишга интилмоқда. Шулардан бири – муайян минтақалар, давлатлар ва халқлар ўртасида демократия тамойилларини ёйиш баҳонаси билан турли номдаги ННТ, жамғармалар ва марказлар орқали ўз мақсадларига эришишдан иборат.

Дунёга ҳукмронликни даъво қилаётган давлатлар ўз ғоялари ва турмуш тарзини ўзга юртларда ёйиш учун турли нодавлат ташкилотлари, марказлар, жамғармалар фаолиятидан устомонлик билан фойдаланишга уринмоқда. Бундай хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш учун миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, фуқаролар, миллат ва жамият манфаатларини ўзида мужассамлаштирган нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини янада кучайтиришга кенг имкониятлар, ижтимоий шарт-шароитлар яратиш лозим. Уларга ажратиладиган молиявий маблағлар миқдорини ошириб бориш мақсадга мувофиқдир. Кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш учун эса, энг аввало, давлат ташкилотлари, вилоят ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланиши ҳамда хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган ташкилотларнинг молиявий

кўмаги зарур. Чунки ННТларнинг бевосита фойда келтирадиган молиявий манбалари йўқ.

Ҳозирги замон фуқаролик жамияти ижтимоий-сиёсий институтларининг ўзига хос хусусиятлари жамият ҳаётида кишиларнинг турли ижтимоий эҳтиёжлари ва манфаатларини қондириб бориши жараёнида намоён бўлади. Зеро, жамият ҳаётининг турли соҳа ва йўналишларида фаолият кўрсатаётган фуқаролик жамияти институтлари, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асослари шаклланишининг муҳим шартидир.

Ўзбекистонда ҳозирга келиб фуқаролик жамияти институтлари жаҳоннинг ривожланган давлатлари ва фуқаролик жамиятининг умумэътироф этилган тамойиллари ҳамда миллий ўзига хос жиҳатлари асосида фаолият юритмоқда. Чунки фуқаролик жамиятининг асосий тамойиллари нодавлат ва жамоат бирлашмалари орқали шаклланиб боради. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари, ўз моҳияти жиҳатидан давлат муассасаларидан фарқ қилади. Бу тафовут, асосан, фуқаролик жамияти тамойилларининг амал қилиб бориши билан белгиланади.

Фуқаролик жамиятида бошқарувнинг кўплаб функциялари давлат тасарруфидан ўз-ўзини бошқариш органларига ўтиб боради. Аҳоли турли қатламлари, алоҳида шахслар муайян нодавлат ва жамоат ташкилоти орқали жамият бошқарувида фаол қатнашади. Шу аснода жамият ўзини ўзи бошқариб боради. Бу жараёнда қайсидир шахс, ҳоким ёки раҳбар хоҳиш-иродаси, ҳукмронлиги ёки муруввати эмас, балки фуқароларнинг демократияга асосланган юксак ҳуқуқий маданияти, дунёқараши устувор бўлади.

Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг асл моҳияти унга аъзо бўлган кишилар, шахслар, ижтимоий гуруҳлар, касб-кор эгаларининг туб манфаатлари, ҳаётий эҳтиёжларини қондириб боришдан иборат бўлмоғи лозим. ННТларнинг ҳар қандай фаолияти, ўтказадиган оммавий тадбирлари ана шу мақсадга қаратилиши даркор.

Ҳозирда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши учун қулай ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий-молиявий шарт-шароитлар яратилмоқда. Зеро, моддий-молиявий жиҳатдан бақувват бўлган нодавлат нотижорат ташкилоти ўз фаолияти орқали аҳоли турли қатламлари, ижтимоий гуруҳларининг мақсад-манфаатлари, эҳтиёжларини тўлароқ қондириб бориш имкониятига эга бўлади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий институтларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллиги ортаётганлиги кузатилмоқда. Жойларда сиёсий партиялар бошланғич партия ташкилотлари сонининг ортиб бориши ва уларнинг фаоллашуви, ўз навбатида, фуқаролик жамияти тамойилларининг амал қилиши учун замин яратади.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларини шакллантириш ва ривожлантириш истиқболлари Юртбошимизнинг юзга яқин маъруза ва нутқлари ҳамда асарларида уларни ташкил қилиш, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш билан боғлиқ масалалар асослаб берилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида муҳим роль ўйнамоқда.

Юртбошимиз “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунларни, инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини қабул қилиш зарурлиги тўғрисидаги таклифлари юртимизда кучли фуқаролик жамиятини барпо қилиш учун муҳим замин ҳозирлайди.

Ўзбекистонда “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини амалга оширишда, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини юксалтиришда, ижтимоий-сиёсий манфаатлари, қизиқишларини қондириб боришда давлат ташкилотлари билан бир қаторда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда жамоат бирлашмаларининг роли каттадир.

Юқорида баён қилинган фикр-мулоҳазалардан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин.

1. Кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим жиҳати фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига эришиш орқали уларнинг юксак маънавиятли шахс сифатида камолотини таъминлашдир. Бу эса, ўз навбатида, кучли фуқаролик жамияти тамойилларининг амал қилишида устувор аҳамият касб этади.

2. Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади эркин бозор муносабатларига асосланган очиқ, ҳуқуқий демократик давлат қуриш, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, одамлар турмушини тараққий этган давлатлар даражасига кўтариш, мамлакатимизни жаҳон

ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашидан иборатдир.

3. **"**Ижтимоий шериклик" тушунчаси мамлакатни модернизация қилиш, ижтимоий йўналтирилган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо қилиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларида давлат ташкилотлари билан нодавлат ташкилотлари ҳамда жамоат бирлашмаларининг ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатишини англатади.

4. Юртбошимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши, мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти барпо қилишда, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини янада жонлантириш, уларни ташкил этиш механизмини такомиллаштиришда алоҳида аҳамият касб этади.

5. Ижтимоий шериклик том маънода давлат ташкилотлари билан 2- ва 3-секторда фаолият кўрсатувчи ташкилотлар ҳамда уларнинг ўзаро ҳамкорликда иш юритишини назарда тутади. Фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ижтимоий шериклик асосида иш олиб боришида Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг роли беқиёсдир.

6. Ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда фуқаролик жамияти институтлари билан давлат ташкилотлари ҳамда иқтисодиёт йўналишида фаолият кўрсатаётган ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатиши, ўз навбатида, республикамиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг модернизациялашувида муҳим роль ўйнайди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак манавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
2. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси**.** - Т.: Ўзбекистон, 2010.
4.Ўзбекистондаги нодавлат ва жамоат бирлашмалари фаолиятининг назарий асослари (Президент Ислом Каримов асарлари асосида) К.А.Юнусов таҳрири остида. Қўлланма. Андижон: АндДУ, 2008.
5.Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишда нодавлат ва жамоат бирлашмаларининг роли. Рисола. К.А.Юнусов таҳрири остида. Андижон: АндДУ, 2009.
6.Фуқаролик жамиятини барпо этишда ва баркамол авлодни вояга етказишда нодавлат ва жамоат бирлашмаларининг роли. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. К.А.Юнусов таҳрири остида. Андижон: АндДУ, 2010.
7. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиш ва ривожланиш истиқболлари. Особенности становления и развития гражданского общества в модернизирующейся России. Тошкент. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2011 йил. 204 бет. Ярославль ДУ профессорлари билан ҳамкорликда тайёрланган.
8. http://ngo.uz.

Андижон давлат университети,
2012 йил 25 апрелда қабул қилинган